

**7-МАВЗУ. 2- МАЪРУЗА:
ЕР ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК
УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ**

РЕЖА:

- 1. Ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий жавобгарлик.**
- 2. Ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик.**
- 3. Ер қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик.**

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТИНИ ЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони :100</i>	7-Мавзу, 2-маъруза. 2 соат
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Маъруза-ахборот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий жавобгарлик. 2. Ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик. 3. Ер қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик.
<i>Машғулотнинг мақсади: Ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик турлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.</i>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ol style="list-style-type: none"> 1. Ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий жавобгарлик тўғрисида тушунча беради. 2. Ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида тушунча беради. . 3. Ер қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик. тўғрисида тушунча беради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий жавобгарлик тўғрисида тасавурга эга бўлади. 2. Ер қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида тасавурга эга бўлади 3. Ер қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарлик. тўғрисида тасавурга эга бўлади
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	намойиш, ақлий ҳужум,
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Фронтал, коллектив иш,
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 15 дақиқа	<p>Гурухлар давомати назорат қилинади.</p> <p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза -ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади</p>	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3.Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:

1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007. -215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент.: “Ислон Университети”, 2001. – 191б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислон Университети”, 2001. – 189 б.
6. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma. - Т.: TIMI, 2016. -196 б

Қўшимча:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида, Жиноий жавобгарлик тўғрисида” кодекслари.
3. Ўзбекистон республикасининг ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан давлат назоратига оид қонуности ҳужжатлари.

Интернет ресурслари

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)

ЎТИЛГАН МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. ЕР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

2. НИМА ЕР ҲУҚУҚБУЗАРНИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ УЧУН АСОС БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

3. ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ БУЗИШ ТУШУНЧАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

**ЕР
ХУҚУҚБУЗАРЛИГИ
ТУШУНЧАСИ**

Ер ҳуқуқбузарлиги деганда, ер ҳуқуқи нормаларига қарама-қарши бўлган айбли хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади

**ЕР
ХУҚУҚБУЗАРНИ
ЖАВОБГАРЛИККА
ТОРТИШ УЧУН
АСОС**

Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузганлик учун ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортишга асос бўлиб ер ҳуқуқбузарлиги содир этилиши ва шу ҳуқуқбузарлик учун қонунчилик ҳужжатида жавобгарлик чораси белгиланган бўлиши керак.

**ЕРДАН
Фойдаланиш
ҳуқуқини
бузиш
тушунчаси**

Ердан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш деганда, давлатнинг ерга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига қарши қаратилган, ердан фойдаланувчиларнинг манфаатларига зид бўлган, ердан оқилона ва самарали фойдаланишни таъмин этишга халал берадиган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар тушунилади.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига қарши турли хил хатти-ҳаракатлар орқали бузилиши мумкин бўлиб уларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 90-моддасида келтирилган.

**КИМЛАР
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИ
ҲИСОБЛАНАДИЛАР**

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қоидаларини бузувчилар, яъни **ҳуқуқбузарлик субъектлари** бўлиб юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, давлат ҳокимият ва бошқарув органлари ҳам бўлишлари мумкин.

**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА
НИМАЛАР ХИЗМАТ
ҚИЛАДИ**

Ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб, биринчи навбатда давлатнинг ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи; қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи; ердан қонуний фойдаланиш тартиби ҳисобланади

**ЖАВОБГАРЛИК
НИ
ЮКЛАЙДИГАН
ОРГАНЛАР
БЎЙИЧА
ЮРИДИК
ЖАВОБГАРЛИК
НИНГ ТУРЛАРИ**

**Давлат ҳокимияти органлари
томонидан белгиланадиган юридик
жавобгарлик**

**Суд ва бошқа юридик органлар
томонидан юкланадиган
жавобгарлик**

**Маъмурий органлар (давлат
бошқарув органлари) томонидан
ҳуқуқбузар зиммасига
юкланадиган юридик жавобгарлик**

**ЕР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН
БЕЛГИЛАНДИГАН ЮРИДИК
ЖАВОБГАРЛИКЛАР ТУРЛАРИ**

Анъанавий шаклдаги

интизомий,

маъмурий,

фуқаролик

жиноий

Махсус шаклдаги

махсус жавобгарлик турлари сифатида эса ер қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари назарда тутилади

**ЕР
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК
ЛАРИ УЧУН
БЕЛГИЛАНАДИГ
АН ЮРИДИК
ЖАВОБГАРЛИКЛ
АРНИНГ
ТУРЛИЧА
БЎЛИШИГА
САБАБ
БЎЛАДИГАН
ОМИЛЛАР**

Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимини ташкил қилувчи ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ўзининг жавобгарлик институти билан таъминланган

содир қилинган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси турлича бўлади

ер ҳуқуқбузарликларини ижтимоий ҳавфлилик даражасига кўра, уларга турли хил давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар томонидан жавобгарликни ўрнатиш билан боғлиқ жазо чоралари қўлланилади. Бунда ер муносабатларига зид бўлган қилмишнинг ҳавфлилик даражаси қанча юқори бўлса, жавобгарликни қўллаш тартиби ҳам шунчалик мураккаб бўлади

ер ҳуқуқбузарликларининг ўзига хос муайян хусусиятлари унга нисбатан жавобгарликни ўрнатишда жазо қўлловчи шахсларнинг муайян даражада бу соҳада махсус билимларга ва тегишли маълумотларга эга бўлишлиги талаб этилади

**Ер
хуқуқбузарли
клари учун
белгиланадиг
ан интизомий
жавобгарлик
нинг
қуйидаги
хусусиятлари**

Мазкур жавобгарликнинг субъекти бўлиб, фақат вақтинчалик ёки доимий асосда ишлайдиган ходим бўлиши мумкин (ишчи ёки хизматчи);

Ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий жавобгарлик фақат ер ҳуқуқий нормаларига риоя қилиш меҳнат вазифасига кирадиган ходимларга нисбатангина белгиланиши мумкин

Меҳнат қонунчилигида интизомий характердаги ноҳўя ишларнинг таркиби маъмурий-ҳуқуқий ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлардаги каби қатъий белгиланмаган. Бунда ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг ички-тартиб қоидалари ёки ерлардан фойдаланиш қоидалари бўлиши мумкин

Юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, интизомий жавобгарлик фақат ишчи ёки хизматчининг иш вақтида содир этган ҳуқуқбузарликлар учунгина қўлланилиши мумкин

**Ер
ҳуқуқбузарликлари
учун
белгиланадиган
интизомий
жавобгарликнинг
хусусиятлари**

**Ер ҳуқуқбузарликлари учун интизомий
жавобгарликни қўллаш жараёнида қонун
содир қилинган ҳуқуқбузарлик учун
суриштирувнинг ва жазо қўллашнинг
қатъий процессуал тартибини талаб
этмайди**

**Интизомий жавобгарликни қўллаш ҳуқуқига
корхона, ташкилот, муассаса, яъни хўжалик
юритувчи субъектнинг маъмуриятигина эга**

**Интизомий жавобгарлик маъмурий ва
фуқаровий жавобгарликлари билан бир
вақтда қўлланилиши мумкин**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАИ МЕХНАТ КОДЕКСИДА БЕЛГИЛАНГАН ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ

181-модда

Мехнат кодексига кўра ходимга нисбатан меҳнат интизомини бузганлик учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо турларини қўллашга ҳақли: **хайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима**. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу МКнинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади; меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Шунингдек мазкур МКнинг 182-моддасида интизомий жазоларнинг қўлланиш тартиби ҳам кўрсатиб берилган.

**ИНТИЗОМИЙ
ЖАВОБГАРЛИК
ТУШУНЧАСИ**

Ер ҳуқуқбузарлиги бўйича интизомий жавобгарлик бу меҳнат қонунчилиги, ўқув, хизмат, ҳарбий интизом ва ички тартиб қоидаларидаги ер билан боғлиқ нормаларни бузганлиги учун ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида ташкилот, корхона ёки муассса маъмурияти томонидан мажбурлов чораларини қўллашдир.

**ЕР
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК
ЛАРИ УЧУН
БЕЛГИЛАНДИГАН
ИНТИЗОМИЙ
ЖАВОБГАРЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, интизомий жавобгарлик фақат ишчи ёки хизматчининг иш вақтида содир этган ҳуқуқбузарликлар учунгина қўлланилиши мумкин

Ер ҳуқуқбузарликлари учун интизомий жавобгарликни қўллаш жараёнида қонун содир қилинган ҳуқуқбузарлик учун суриштирувнинг ва жазо қўллашнинг қатъий процессуал тартибини талаб этмайди

Интизомий жавобгарликни қўллаш ҳуқуқига корхона, ташкилот, муассаса, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг маъмуриятигина эга

Интизомий жавобгарлик маъмурий ва фуқаровий жавобгарликлари билан бир вақтда қўлланилиши мумкин

**ЕР
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК
ЛАРИ УЧУН
БЕЛГИЛАНДИГАН
ИНТИЗОМИЙ
ЖАВОБГАРЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Мазкур жавобгарликнинг субъекти бўлиб, фақат вақтинчалик ёки доимий асосда ишлайдиган ходим бўлиши мумкин (ишчи ёки хизматчи);

Ер қонунчилигини бузганлик учун интизомий жавобгарлик фақат ер ҳуқуқий нормаларига риоя қилиш меҳнат вазифасига кирадиган ходимларга нисбатангина белгиланиши мумкин

Меҳнат қонунчилигида интизомий характердаги ноҳўя ишларнинг таркиби маъмурий-ҳуқуқий ҳуқуқбузарликлар ва жинойтлардаги каби қатъий белгиланмаган. Бунда ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг ички-тартиб қоидалари ёки ерлардан фойдаланиш қоидалари бўлиши мумкин

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИДА ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК УЧУН ҚАНДАЙ ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАР БЕЛГИЛАНГАН

Меҳнат кодекси 181-модда

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида интизомий жавобгарлик билан боғлиқ интизомий жазолар рўйхати берилган. Унга кўра ходимга нисбатан меҳнат интизомини бузганлик учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо турларини қўллашга ҳақли: хайфсан; ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади; меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Шунингдек мазкур кодекснинг 182-моддасида интизомий жазоларнинг қўлланиш тартиби ҳам кўрсатиб берилган.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, ер ҳуқуқбузарликлари учун интизомий жавобгарлик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Ер ҳуқуқбузарлиги бўйича интизомий жавобгарлик бу меҳнат қонунчилиги, ўқув, хизмат, харбий интизом ва ички тартиб қоидаларидаги ер билан боғлиқ нормаларни бузганлиги учун ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида ташкилот, корхона, муассса маъмуриятлари томонидан мажбурлов чораларини қўллашдир.**

**Ер қонунчилигини
бузганлик учун
белгиланадиган
фуқаровий
(мулкий)
жавобгарликни
қўллашнинг барча
ҳолатларида
қуйидаги бўлиши
лозим бўлган
шартлар**

Қопланиши лозим бўлган зарарнинг мавжудлиги

Мулкий жавобгарлик фақатгина айбдор шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати натижасида юзага келган зарар учунгина белгиланиши мумкин

Мулкий жавобгарликни белгилаш учун айбдор томондан содир этилган ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат билан келиб чиққан мулкий оқибат ва етказилган зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши лозим

Мулкий жавобгарликка фақат айбдор шахсларгина тортиладилар

- 1) бунда етказилган ҳақиқий зараргина ундирилади;
- 2) хўжалик юритиш жараёнида қилинган асосли таваккалчилик натижасида етказилган зарар ундирилмаслиги мумкин;
- 3) меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган моддий жавобгарликни белгилаш учун қисқа муддатлар

**Махсус норматив-
ҳуқуқий актлар асосида
мулкий жавобгарликни
ўрнатиш ҳам ўзига хос
хусусиятларга эга**

Ер қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асослари

ЖК моддалари

Баъзи бир жиноятлар таркибида ер ҳақида қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик тўғридан-тўғри кўрсатилган, масалан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 193-моддасида ердан фойдаланиш шартларини бузиш учун, 197-моддасида ер ва ер ости бойликларидан фойдаланиш учун, 229-моддасида эса ўзбошимчалик билан ерларни эгаллаш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Бир қатор жиноятлар содир этилишида, масалан экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузишда (193-модда.), атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатишда (194-модда.), атроф табиий муҳитни ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмасликда (195-модда.), зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузишда (201-модда.), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузишда (204-модда.), бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар билан биргаликда ер ва ер ости бойликларининг бузилиши содир этилиши мумкин.

**Ер
қонунчилигини
бузганлик учун
белгиланадиган
жиной
жавобгарликнинг
турлари**

экологик тавсифга эга бўлган
жиноятлар;

иқтисодий тавсифга эга бўлган
жиноятлар;

ерга давлат бошқарувининг
объекти сифатида тажовузлар

ер билан боғлиқ (ерда униб
чиқувчи нарсалар билан
боғлиқ. (Масалан, ЎзРЖК 198-
моддаси. Экинзор, ўрмон ёки бошқа
дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки
уларни нобуд қилиш)

**Ер қонунчилигини
бузганлик учун
белгиланадиган
жиноий
жавобгарликда
жавобгарликнинг
бошқа турларига
нисбатан
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Биринчидан, Ер ҳуқуқбузарликлари учун белгиланадиган жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик жавобгарликнинг бошқа турларидан (интизомий, маъмурий, фуқаровий) ўзининг оғирлиги ва қатъийлиги билан фарқ қилади

Иккинчидан, Бу жавобгарлик фақат суд томонидан ва жинойт кодексига қатъий кўрсатилган ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган қилмишларга нисбатангина қўлланилади.

Учинчидан; ер ҳуқуқбузарликларининг умумий ҳажмида мамлакатимизда ўрнатилган экологик-ҳуқуқий тартиботга қарши қаратилган бу ижтимоий хавфли қилмиш алоҳида ажралиб туради

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонуннинг 47-моддасида, Ер кодексининг 90-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 16-моддасида белгиланган асослар да кўрсатилган таркиблар мавжуд бўлган тақдирда айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар

**Ер қонунчилигини
бузганлик учун
белгиланадиган
жинойй
жавобгарликда
жавобгарликнинг
бошқа турларига
нисбатан
ХУСУСИЯТЛАРИ**

бешинчидан, жавобгарликнинг юзага келиши учун асосларнинг чекланганлиги

олтинчидан, жавобгарликни ўрнатишнинг махсус тартибининг мавжудлиги (шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик фақат Жиноят процессуал кодексда кўрсатилган талабларга қатъий риоя қилган ҳолда суд томонидан чиқарилган айблов ҳукми асосидагина ўрнатилиши мумкин);

еттинчидан; жиноий жавобгарлик шахсий характерга эга.

саккизинчидан, ҳуқуқбузарлик қачонки жиноят кодексда бу ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик белгилаб қўйилган бўлсагина жиноят ҳисобланади